



## ИНГЛИЗ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ ВА ГАПИРИШ КҮНИКМАСИНИ ВИДЕОМАТЕРИАЛЛАР ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Инамова Г.А

Фалсафа фанлари доктори (PhD)

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

E-mail:gullolainamova@gmail.com

тел: 993071518

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7099425>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> September 2022

Accepted: 17<sup>th</sup> September 2022

Online: 21<sup>st</sup> September 2022

### KEY WORDS

компетенция, талаффуз,  
восита, танқидий фиклаш,  
мотивация, кўникмалар.

### ABSTRACT

Инновацион таълим модедининг афзалликларидан бири – юқори савиядаги ўқувчиларнинг шахсий мотивацияси, ностандарт фикрлаш, масъулият, ташаббускорлик, атрофда бўлаётган воқеаларга ўз муносабатини шакллантиришига ўргатишнинг диққат марказида туради. Бундай машғулотлар мустақиллик, ижодкорлик, унумли ва танқидий фикрлашнинг ривожланишига ёрдам беради, шунингдек, ўқув материалини янада кенгайтиради.

Таълим бериш методикасида қўйилган мақсадга воситаларни қўллаш орқали эришилади. Таълимнинг асосий воситаси – машқ, уларнинг бажарилиши таълим мақсадига эришишда муҳим аҳамиятга эга<sup>1</sup>. Машқ (-شق – хусниҳат, расм чизиш учун намуналар) – бирор фаолиятни пухта ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун бажариладиган иш<sup>2</sup>. Машқ ўзининг билимларини чуқурлаштириш ҳамда тегишли малака ва кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида ҳаракатларни оғзаки ва ёзма равишда такроран амалга ошириш. Машқ қилиш - ўқувчининг ўз қобилияtlари, билим, ва кўникма малакаларини ўстиришга

қаратилган ҳаракатлари<sup>3</sup>. Ушбу атамага методик адабиётларда қуйидагича таърифлар берилади:

- чет тилда бажариладиган ўқув амали; таркиби талаб ҳамда материал қисмларидан иборат ўқув бирлиги;dir;
- тил ҳодисаларига оид билимларни эгаллаш, лексик, грамматик, талаффуз кўникмаларини шакллантириш, мазкур бирликларни нутқ вазиятида тўғри қўллаш амалидир;
- муайян тарзда ташкил этиладиган ва қайта-қайта бажариладиган, уни эгаллаб олишга ҳамда бажариш усусларини таомиллаштиришга йўналтирилган ақлий ҳаракат;
- компетенциялар ривожланадиган «муҳит» ёки «экосистема»;
- компетенциялар эгалланишини таъминлаш воситаси .

<sup>1</sup> Сайдалиев С. Чет тили ўқитиш методикаси очерклар. – Наманган, 2004. – 238 б.

<sup>2</sup> Чет тили (инглиз, франсуз, немис ва бошқа фанлардан Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим милллий ўқув дастур. – Тошкент, 2021. – 345 б.

<sup>3</sup> Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. – М.: МГЛПУ. Сарма, 2005. – 248 с.



Нутқий компетенцияга оид мустаҳкамловчи машқлар. Бундай машқлар бир вақтнинг ўзида тил компетенциясини ҳам мустаҳкамлашда қўлланилиши мумкин. Мазкур машқларни кичик матнларни ўқиша фойдаланиш тавсия этилади. Масалан, «Read the following Passage and select 2 correct answers from 5 options (A-E)», «Match the beginning of each sentence (A-E) with the correct endings (1-7)», «Select the word in each group that does not have the same meaning», «Before you read the text you should ask yourself or from your partner a few questions: 1. Does the title give me/you a clear idea of the content? 2. Do I/you know anything about this topic? 3. What kind information can I/you expect to find from the text? 4. Can I/you predict the structure of the text from the title? «Short answer questions. Read the passage on the following page and answer the questions (A-E) with the words from the text. Write no more than two words or a number».

Бундай машқни бажаришда ўқувчи матндан фойдаланиб, сўралган маълумот асосида керакли миқдордаги сўзларни тўлдириши керак. Бу машқни бажаришда жавоблар матнда кетма-кетликда жойлашганлиги ҳамда керакли рақам ёки сўзларни тўлдириб жавоб бериш лозимлиги ўқувчиларга тушунирилади. Юқоридаги фикрларга ҳамда методик тавсияларга таяниб, ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишда компетенцияларни ривожлантириш самарали машқлар ва технологиялардан ҳамда мультимедиал таълим дастурларидан фойдаланиб ташкил қилинса, амалдаги методик таъминотни такомилластириш масаласи ҳал қилинади, деб ҳисоблаймиз. Чет тили

дарсларидағи дастлабки дақиқалардан, ўқувчиларга юқоридаги берилган машқлар ва технологиялардан фойдаланилса, ўқувчиларнинг хорижий тил ўрганишга бўлган қизиқишилари янада ортади ва зерикишдан йироқлашадилар. Натижада, ўқувчиларнинг мустақил, эркин, мантиқий фикрлаш имкониятлари кенгаяди ва келажакда уларнинг маданиятлароро мулоқот диалогида иштирок этиш имконияти такомиллашади. Ўқувчилар инглиз тилини ўрганиш орқали белгиланган компетенцияларни самарали эгаллаш масаласи қуйидаги амалий тавсияларга биноан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ: ўқувчилар маълум интеллектуал, ижодий ва коммуникатив билим ва қўнималарга эга бўлишлари керак. Бу дегани, улар матн билан ишлашни билишлари (асосий фикрни белгилаш ва ажратиш, чет тилдаги матндан керакли ва зарур маълумотларни қидириб топа олиши), маълумотни таҳлил қила олишлари, керакли хулосаларни чиқаришни, баҳс олиб боришни, сухбатдошни тинглашни ва тушунишни билишлари керак;

узлуксиз таълим босқичларида ҳар қандай чет тили (инглиз, немис, француз) ни ўқитиш ва ўрганишда тили ўрганилаётган мамлакатлар маданиятини интеграциялашган ҳолда татбиқ қилиш лозим. Бу ўринда, чет тилни ўргатишдаги маданият, асосан, маълум бир миллат, элат, халқлар ҳамда миллий қадриятлар цивилизациясидаги фаолиятга асосланади. Инглиз тилини умумтаълим мактабларида ўқитиш, асосан, чет тилни ўқитиш мақсади ҳамда белгиланган таълим мазмунидан келиб чиқиб амалга оширилади. Бу



жараёнда ўрганиладиган лингвистик, лексик, грамматик, талафғуздаги бирликларда ўқувчининг эътиборини нутқий жараёнга қаратиш лозим;

ўқув материалларини (машқлар ва технологиялар) саралашда узвийлик принципларига риоя қилиш керак. Демак, нутқий ва тил компетенциясини ривожлантиришга оид лексик, грамматик ҳодисаларга ҳам қўшимча машқлар ва технологиялар киритиб борилади.

Чет тилининг аудиовизуал технологиясини дарс жараёнида қўллаш, видеомаълумотлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш учун педагогик алгоритмдан фойдаланиш таклиф қилинди. Алгоритмлаш ўқитувчи учун алгоритмларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини ифодалайди. Педагогикадаги алгоритм кўрилаётган обьектга олиб борадиган таълим операциялари кетма-кетлигини ифодалайди. Чет тили бўйича ўқув жараёнини алгоритмлаш, айниқса, ўқув қўлланмаларидан фойдаланишда катта аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш керакки, чет тилини ўқитиш учун ўқув қўлланмаларини қўллаш ўқитиш

техникасида яхши ривожланган муаммодир. Шунга қарамай, янги ўқув қўлланмаларининг (видео, компьютерлар) пайдо бўлиши улардан самарали фойдаланиш ва яхши натижаларга эришиш имконини берадиган маҳсус ишлаш техникасини ишлаб чиқиши талаб қиласди.

Ўқув жараёнида видеоматериаллардан фойдаланилганда уларни намойиш қилиш маълум тарбиявий мақсадларга бўйсундирилиши ва шунинг учун уни ўзига хос тарзда ташкил этиши керак. Таълим жараёнида видеофильмлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги қўйидаги фактлар билан таъминланади: турли манбалардан ёзиб олинадиган видеомаълумотларнинг мавжудлиги; видеоускуна ва видео тайёрлашдан фойдаланиш бўйича муайян тажрибанинг мавжудлиги; таълим берувчининг янада фаол ижодий фаолияти имконияти. Видеоматериаллар ёрдамида чет тилини ўқитиш алгоритмларини ташкил этишда билимларни ўзлаштириш жараёни схема кўринишида фойдаланилган (1-расм).



**1-расм. Видеоматериаллар ёрдамида чет тилни ўрганишда билимларни ўзлаштириш жараёни схемаси**

Маълумки, таълим жараёнига замонавий инновацион технологияларни олиб кириш орқали таълим сифати ва самарадорлигини оширишни назарда тутади. Хусусан, инглиз тилини ўрганиш/ўргатишда бундай ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг бир қанча афзалликлари мавжуддир. Чет тил дарсларида видео материаллардан самарали фойдаланишнинг қуидаги жиҳатларига аҳамият қаратилди:

**Психологик жиҳати:** танланган видеороликлар ўқувчиларнинг қизиқиши, тасаввури ва ижодкорлигини ошириши; ҳиссий зўриқиши (стресс)ни олдини олиши, ўқувчиларни танқидий фикрлашга ўргатиши.

**Ижтимоий-маданий жиҳати:** (1) аудиовизуал материалларни танлаш, таснифлаш ва тақдим этишида маданиятлараро мулоқот жараёнида вужудга келадиган турли тушунмовчилик ва низоларни олдини олиш мақсадида уларда тили ўрганилаётган мамлакатнинг тили ва маданиятига оид маълумотларнинг акс

этишига эътибор бериш; (3) тили ўрганилаётган мамлакат ва миллий маданиятларни солишириш имконининг мавжудлиги; (4) провард натижада ўқувчилар миллий маданиятлари ва тили ўрганилаётган мамлакат маданияти ўртасидаги универсал (умумий) ва фарқли томонларини хис қилиши.

**Лингвистик жиҳати:** (1) тақдим этилган аудиовизуал материаллар ўқувчиларга ҳақиқий нутқни эшитиш ва унинг намуналарига тақлид қилиш имкониятини яратади; (3) нутқ фаолиятининг асосий турлари (tinglab тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзув)га оид кўнишка ва малакаларни такомиллаштиришга хизмат қиласи; (4) табиий мулоқот жараёнида вазиятга мос лексик бирликлардан грамматик жиҳатдан тўғри фойдалана олиш имконини беради.

**Паралингвистик жиҳати:** (1) аудиовизуал материаллардаги нутқ парчасида тили ўрганилаётган мамлакат вакилининг руҳиятидаги ўзгаришлар акс этиши – уларнинг нутқида паралингвистик воситалар



(эмоционал ҳолатлар: мимика, имоишоралар, сухбатдошлар орасидаги масофа, кийим-кечак ва б.)нинг ўзига хос намоён бўлиши, уларнинг нутқига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларнинг ифода этилиши ўқувчиларда вербал ва новербал мулоқот қўнишка ва малакаларни ривожлантириш имконини беради; (2) нутқий мулоқотда коммуникантларнинг юз ифодаларида (жаҳл, ғазаб; хафалик, тушкунлик; қўркув, хавотир; ҳайрат; жирканиш, менсимаслик, кибр; уялиш; хурсандчилик, мамнуният; стресс (агрессия) ҳолатининг новербал кўринишларини кузатишлари мумкин.

Педагогик аудиовизуал материаллардан фойдаланишда таълим жараёни ўқувчиларни кўпроқ

эркинликка, масъулиятилилкка, интерактивликка ва ижодий фикрлашга ундейди. Ахборотни идрок этиш ва қайта ишлаш психологик қулайлик ҳолатини ҳосил қиласди, коммуникатив компетенциясини ривожлантиради, ўқувчидаги когнитив хусусиятни ривожлантиради ва дунёқарашини бойитади, Олинган маълумотлар асосида чет тили маданияти социалингвистик компетенциясини шакллантиради, Бу жараёнда ўқувчиларнинг тилни ўрганишга ички мотивациянинг кучлилиги, ўрганилаётган манбага нисбатан бутун эътиборнинг ва қизиқишининг юқорилиги каби хусусиятлар билан изоҳланади.

ахборотни идрок этиш ва қайта ишлаш психологик қулайлик ҳолати

синфда жонли чет тили мухитини, яъни чет тилида сўзлашувчилар нутки билан бойитилган мухитни яратиш, коммуникатив компетенциясини ривожлантиш

ўқувчидаги когнитив хусусиятни ривожлантиради ва дунё карашини бойитиш

этicket меъёрларини уринли куллай олиш, ўз ва ўзга юрт анъаналарини тўғри шархлай олиш

Олинган маълумотлар асосида чет тил маданияти социалингвистик компетенциясини шакллантириш ва ривожлантиш

## 2-расм. Чет тилни ўқитишида аудиовизуал технологияларни амалга оширишда видеоахборот билан ишлаш босқичларининг умумий схемаси.

Назарий жараёнлар ва ўқув жараёнида видеомаълумотлардан фойдаланишнинг амалий тажрибаси таҳлили асосида 2.-расмда

келтирилган босқичлар бўйича чет тилини ўргатишида видеоматериаллардан фойдаланишнинг педагогик алгоритми ишлаб чиқилган.



**3-расм. Аудиовизуал технологияларга асосланган таълим жараёнининг асосий босқичлари.**

Чет тил ўқитиш методикасида коммуникатив компетенция нутқи фаолияти турларини ўрганилаётган тилда коммуникатив мақсад сифатида ўрганиш назарда тутилади. Биз ўнинчи ва ўн биринчи синфлар учун 2017 йилда нашр этилган «ENGLISH» дарслигини ўргандик. Бу ўқув тўпламининг бир қисми бўлиб, ўқувчилар китоби, ўқитувчи китоби ва компакт дисқдан иборат. Дарслик ўқувчиларнинг тинглаш, ўқиш, гапириш ва ёзиш каби нутқий кўнималарини ривожлантиришга қаратилган. Грамматика интеграллашган усулда ўрганилади. Юқори синф ўқувчилари учун инглиз тилидаги ўқув дастури ва дарсликларини қўйилган муаммо нутқай назаридан таҳлил қилиб, аудиовизуал мериаллар ва машқлар тизими қўшимча тарзда киритилиши зарур деган хulosага келдик.

Видеони ўқув мақсадларида кўриш жараёнида ўқитиш технологияси алгоритмларининг баъзи варианatlари

мавжуд (4-расм). Ушбу алгоритм ўқитишнинг тўлиқ технологиясини кўрсатади, шу жумладан, фактларни аниқлаш ва таълим бериш методикасида қўйилган мақсадга воситаларни қўллаш орқали эришилади. Таълимнинг асосий воситаси – машқ, уларнинг бажарилиши таълим мақсадига эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Машқ атамага методик адабиётларда қуйидагича таърифлар берилади: чет тилда бажариладиган ўқув амали; таркиби талаб ҳамда материал қисмларидан иборат ўқув бирлиги; муайян тарзда ташкил этиладиган ва қайта-қайта бажариладиган, тил ҳодисаларига оид билимларни эгаллаш, лексик, грамматик, талаффуз кўнималарини шакллантириш, уни эгаллаб олишга ҳамда бажариш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган ақлий ҳаракат; мазкур бирликларни нутқ вазиятида



тұғри құллаш амали<sup>4</sup>; компетенциялар ривожланадиган «мухит» ёки «экосистема»; компетенциялар әгалланишини таъминлаш воситаси.

Машқнинг қисқача таъриф-таснифидан сўнг чет тил методистлари орасида мунозараларга сабаб бўлаётган «машқлар системаси» атамасини қўриб чиқамиз.

Баъзи методист олимлар фикрига кўра «машқ таълим олувчиларга механик жараён сифатида эмас, аксинча, муаммоли вазият сифатида тақдим этилиши лозим» (А.А. Леонтьев). Машқлар тизимли равишда осондан қийинга, оддийдан мураккабга, билимдан малакани шакллантирувчи вазиятда тақдим этилса, ўқув фани олдига қўйилган мақсадга эришиш мумкин. Сабаби, бугунги кун талаби ўқувчилар әгаллаган билим, қўникма ва малакаларини реал вазиятда қўллай олиши керак. А.М.Жарова замонавий дарслик мажмуаларидаги машқлар рационининг бошланғич синфларда ўқув-билиш фаоллигини оширишдаги салоҳиятига эътибор қаратган.

Билдирилган ва санаб ўтилган видеомаълумотлар билан ишлашнинг барча босқичларини ва йўналишларини, қўриб чиқиш турларини, турли хил ўқув мақсадларини, чет тили фанининг ўзига хослигини ҳисобга олсак, бир қатор босқичлар кетма-кетлигини таклиф қилишимиз мумкин. Уларни видеоматериаллар билан ишлаш алгоритмлари сифатида тақдим этиш ва уларни чет тилни ўқитишида фойдаланиши таклиф қиласиз.

Тасвирий қўриш ҳар қандай тил материалы учун аниқ расмларни олишга қаратилган, чунончи, грамматик ҳодисалар, талаффуз қобилияtlари, ижтимоий ва маданий ҳодисалар. Ўқувчилар томонидан ўрганилаётган грамматик ҳодисани ушбу грамматик ҳодиса намоён бўлган видеомаълумот қаҳрамонларидан бирининг нутқидан тегишли парча билан тасвиrlаш ҳамда она тилида сўзлашувчиларнинг оғзаки бўлмаган суҳбатлари, турли имо-ишоралари ва белгиларини ҳам видеомаълумот орқали тасвиrlаш мумкин. Тасвирий қўриш жараёнида ўқитиши технологиясининг баъзи алгоритмлари мавжуд бўлади ва улар олдиндан қўриб чиқиш ишларида фарқланади.

<sup>4</sup> Общеевропейские компетенции владения иностранным языком: Изучение, обучение, оценка. – М.: МГЛПУ. Сарма, 2005. – 248 с.

**References:**

1. Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов (на материале художественных текстов). Дисс... докт. пед. наук. – Тошкент, 2012. – 298 с.
2. Азимов Э. Г., Щукин А. Н. Новый словарь методических терминов и понятий (теория и практика обучения языкам). – М.: Издательство ИКАР, 2009. – 22-25 с.
3. Багрова А. Я. Задачи и способы обучения аудированию на иностранном языке в средней школе. Вестник Московской международной академии. 2016. –№ 1. –С. 162-173.
4. Бакиева Г., Махкамова Г., Кулдошев А. English 3. – Ташкент, 2007. –230с.
5. Бакиева Г., Ирискулов А., Рашидова Ф., Тиллаева Н., Каримова З., Турсунбоева С., Д.Норова, М.Джалолдинова, Д.Маманабиева «English B1» – Toshkent: O'zbekiston, 2014. – 176 б. – ISBN 978-9943-28-043-4.
6. Бойматова С.К. Развитие коммуникативной компетенции в учебно-профессиональной сфере общения студентов-медиков при изучении терминов. – Ташкент, 1993. – 48 с.
7. Вахобов М.М. Умумий ўрта таълим тизимида ўқитиш сифати мониторинги моделини такомиллаштириш: пед. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2016. – 81 б.;
8. Бухбиндер В. А. Устная речь как процесс и предмет обучения // Очерки методики обучения устной речи на иностранных языках / под ред. В. А. Бухбиндера. – Киев: КГУ, 1990. –148с.